



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАФФОФЛИК, ҲАЛОЛЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишар экан, уларни амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси олдига муҳим вазифалар қўйди.

Эндиликда шаҳар прокуратураси инвесторларга ер ажрати-лишдан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичларни назорат қиладиган, яъни лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофликни, ҳалолликни таъминлайди, коррупцияга йўл қўймайди.

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг янги ти-зими ҳақида **Тошкент шаҳар прокурори Шерзод ОБЛОҚУЛОВ** ўза муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Президентимизнинг пойтахтимизга ташрифлари чоғида берган топшириқлари, 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш дастури доирасида 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини татбиқ этиш кўзда тутилган. Улар-нинг тўлиқ ишга туширилиши 37 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини беради.

Бизнинг вазифамиз эса, бу лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорларнинг, хусусан, чет эллик инвес-торларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шаффоф-ликни таъминлаш, ортиқча қўғозбозлик, коррупциянинг олди-ни олиш. Бир сўз билан айтганда, инвестор билан бирга на-фас олиб, уларнинг муаммоларини ўз вақтида тезкор ҳал қилишга кўмаклашишдир.

Шу мақсадда пойтахтимизда инвестиция муҳитини яхши-лаш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ва прокурорининг қўшма фар-мойиши қабул қилинди.

Фармойиш билан инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиб борувчи шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари тузилди. Бу ишчи гуруҳлар лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради, инвесторларга ҳуқуқий жиҳат-дан кўмаклашади. Туман ишчи гуруҳлари инвестиция лойиҳа-лари амалга оширилиши ҳақида ҳар 15 кунда шаҳар ишчи гуруҳига ҳисобот бериб боради. Бу жараён иш самарадорли-гига тўқсинлик қилаётган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, инвесторларга кўмаклашиш, мавжуд муаммо-ларни тезкор ҳал қилишга туман ҳокимлари, сектор раҳбарла-ри ҳам жавобгар ҳисобланади.

Тошкент шаҳар прокуратураси инвесторларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, лойиҳаларнинг белгиланган муддатда бажарили-шини таъминлаш, ишчи гуруҳлар фаолияти устидан тизимли прокурор назоратини ўрнатиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, инвесторлар фаолиятидаги муаммоларни тезкор ҳал қилиш мақсадида шаҳар прокурорининг туманларда инвесторлар бил-лан учрашув жадвали тасдиқланган.

Шу асосда ҳафтанинг белгиланган кунларида туманларда инвесторлар билан учрашамиз. Уларнинг ҳар бири билан ало-ҳида-алоҳида суҳбатлашиб, таклиф-мулоҳазаларини эшитамиз. Муаммолари бўлса, ваколатимиз доирасида тезда ҳал қилиш-га қаришамиз.

Бир мисол. Яқинда Мирзо Улугбек туманида инвесторлар билан учрашдик. Кори Ниёзий ва Лашкарбеги кўчалари чор-рахасида қиймати 15 миллион долларлик замонавий уй-жой қуриш лойиҳасини амалга ошираётган "Uzakay Inshaat" МЧЖ раҳбари Айжан Думан қурилиш ишлари учун электр тармоғига уланишда муаммоларга дуч келаётганини айтди. Шаҳар про-куратураси томонидан кўрилган чоралар натижасида қурилиш участкаси тегишли тартибда электр тармоғига уланди.

Шу тарика биз ҳар бир лойиҳа тасдиқлангандан то ишга тушгунча қадар бўлган жараёнини кузатиб борамиз. Мақсади-миз битта – инвестор ҳеч кимдан ноҳақлик кўрмасин, инвес-тиция жалб қилиш тизимида коррупция, сунъий тўсиқлар уч-рамасин. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, биз бунга йўл қўймаймиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкид-лаганидек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиёти-нинг барқарор ўсишига эришган. Шу маънода, инвестиция бизга фаровон ҳаёт тақдим этади.

Улугбек АСРОРОВ
ёзиб олди



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Судлар
фаолиятида
очиқлик,
ошкоралик
таъминланиши
қонунийликни
таъминлашда
муҳим ўрин
тутади.**



МАТЕРИАЛЛАР ХОЛИС, БЕҒАРАЗ ВА ҚОНУНИЙ АСОСДА ЁЗИЛГАН БЎЛИШИ ШАРТ

Бу жиҳатдан кейинги вақтда қатор ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Суд мажлислари-нинг онлайн трансляцияси йўлга қўйилгани, журналистлар суд мажлисларида бевосита ишти-рок этиб, репортажлар тайёрла-ётгани шу мақсадга хизмат қил-моқда.

Судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёри-тиб келаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан АҚШ Халқаро та-раққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги

йўлида ҳамкорлик" қўшма лойи-ҳаси кўмағида ўтказиб келинаёт-ган "Адолат – қонун устуворлиги-да" танлови бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Олий судда мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағиш-ланган маросим бўлиб ўтди. Унда сўзлаган Олий суд раиси К.Комилов суд ҳокимияти ва ом-мавий ахборот воситаларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Зеро, ҳар қандай жамият, аввало, фикрлар хилма-хиллиги, плюрализм-га асосан тараққий этади, ривож-ланади. Бугун жамиятимиз ана шундай фикрлар хилма-хиллиги асосида жадал ривожланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ом-мавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материаллар холис, беғараз ва қонуний асосда ёзил-ган бўлиши кераклигига эътибор қаратди. Чунки ноҳолис фикр жа-моатчилик ўртасида нотўғри та-саввур шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, суд ҳокимияти ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам жамиятда қону-нийликни таъминлаш, фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини қа-фолатли ҳимоя қилиш йўлида фаолият юритади.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муаттар РЎЗИБОВА

2022 ЙИЛГА ҚАДАР ҲАР БИР ШАҲАРНИНГ УЧТА ВА УНДАН ЗИЁД МАҲАЛЛАЛАРИ ҚИЁФАСИ ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Пойтахтимизда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари: илк натижалар ва келгуси режалар" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, "Yuksalish" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази, Жаҳон банкининг Ўзбе-кистондаги ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дасту-ри, Швейцария Конфедерацияси, АҚШ Давлат департаменти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ободлик дастурлари доирасида амалга оши-рилган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида жамоатчилиكنи ўз вақтида ва кенг хабардор қилиш, ечимини кутаётган вазифаларни муҳо-кама этиш ҳамда молиявий институтлар маб-лағларини жалб қилиш мақсадида ўтказилган халқаро анжуманда 250 дан зиёд соҳа мута-хассислари – маҳаллий ҳокимият, тегишли ва-зирлик ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотикорат, хал-қаро ташкилотлар, дипломатик корпус, экс-пертлик ҳамжамияти ҳамда ОАВ вакиллари иш-тирок эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг та-шаббуси билан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари дои-расида 159 та тумандаги 416 та қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мазкур қишлоқлардаги 142 минг якка ва мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 3 минг километрлик йўллар таъмирланди. 2,5 минг километрлик электр тармоқлари, 2 минг километр сув тармоқлари тортилди ва таъмир-ланди. 2400 бозор ва бошқа турдаги инфра-тузилма объектлари қуриб битказилди.

Айниқса, ҳудудлардаги 388 та мактаб, 313 та мактабгача таълим, 168 та тиббиёт муасса-

салари, 38 та маҳалла ва 55 та бошқа ижти-моий соҳа объектларида қурилиш ва таъмир-лаш ишлари бажарилгани эътирофга лойиқ.

– 2018 йилда Ўзбекистонда аҳолининг иж-тимой ҳаётини яхшилашда бу дастурларнинг ўрни алоҳида бўлди, – дейди Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳ-бари Синди Малвичин. – Соғлиқни сақлаш, таълим йўналиши, аҳолини ичимлик суви бил-лан таъминлаш борасидаги ишларни кузатиб бордик. Бундан ташқари, энергетика, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларга ҳам хайрихоҳимиз. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари амалга оширилган бир неча жойларда бўлдим. Бу йўналишдаги ишларни янада ривожланти-риш учун бир қатор таклифларимиз бор. Хусу-сан, иқтисодиёт юқалиши ва аграр тармоқни оптималлаштириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш муҳим. Шунингдек, канализация тар-моқларини ҳар бир қишлоқда яратишга эъти-бор қаратиш керак. Бу борада биз яқиндан кўмак беришга тайёрымиз.

"Обод маҳалла" дастурига кўра, 2018 йил-да ҳар бир шаҳарда камидан 2 тадан маҳал-лада ободонлаштириш ишлари амалга оши-рилди. 2022 йилга қадар эса бу каби ишлар ҳар йили ҳар бир шаҳарнинг 3 та ва ундан зиёд маҳаллаларини қамраб олиши кўзда ту-тилган. Бунда ичимлик суви қувурлари, электр тармоқлари, газ қувурлари ва оқава тизими-ни қуриш, ётқизиш ва таъмирлаш, шунингдек, мавсумий сувлар сатҳини пасайтириш ишла-ри олиб борилади.

(Давоми 2-бетда)



XXI аср сабоси

● Андижонда "Меҳримиз Сизга" хо-тин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази фаолияти, марказнинг мақсад-вази-фаларига бағишланган матбуот ан-жумани бўлиб ўтди. Анжуманда ви-лоят хотин-қизлар кўмитаси, проку-ратура, ички ишлар, меҳнат, соғлиқ-ни сақлаш бошқармалари, "Оила" ил-мий-амалий тадқиқот маркази вакил-лари, реабилитация марказининг ту-ман, шаҳар бўлимлари директорла-ри, хотин-қизлар кўмиталари мута-хассислари, оммавий ахборот воси-талари ходимлари иштирок этди.

● Самарқанд вилояти перинатал марказида "Болаларда ўпка касал-ликларининг рентген диагностикаси" мавзусида семинар-тренинг ўтказил-ди. Семинарда Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекис-тондаги лойиҳалари менежери Эве-лина Тотева ҳам иштирок этиб, юр-тимизда тиббиёт тизимини ривожлан-тириш борасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ва келгуси вази-фалар ҳақида сўз юритди.

● Наманганда "Ёшлар: муносиб меҳнат ва ташаббускорлик" мавзуси-да хорижда ишлаб қайтган ёшлар бил-лан очик мулоқот бўлиб ўтди. Ўзбе-кистон ёшлар иттифоқи Наманган ви-лояти кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ички ишлар бўлимла-ри, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 300 нафар, жумладан, ёш тадбиркорлар ва 90 нафарга яқин хо-рижда ишлаб қайтган ёшлар қатнаш-ди.

● Қибрай туманида "Энг яхши ки-тобхон оила" кўрик-танловининг Тош-кент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" де-мократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган танловда Нурафшон шаҳри, Бўстонлик, Бўка, Зангиота, Оҳангарон ва Чиноз туман-ларидан 6 оила "Биз китобхон оила-миз", "Биз севган китоб", "Бадийи ва маънавий саводхонлик" шартлари бўйича ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Санкт-Петербургда иккинчи жа-ҳон уруши давомида Ленинграднинг қамалдан озод бўлганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

● Филиппиннинг Сулу музофотида-ги Хело шаҳрида жойлашган черков-да террорчилик ҳаракати содир этил-ди. Битта бомба портлатилгандан сўнг жабранланганлар ёрдам кўрсатилаёт-ган пайтда иккинчи портлаш содир этилгач, ҳалок бўлганлар сони 20 ки-шига етди ва 80 дан ортиқ одам жаро-ҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди. Ҳозирча ҳеч қандай гуруҳ ушбу теракт-ни амалга оширганликни ўз зиммаси-га олмаган бўлсада, унда шу ҳудуд-даги "Абу Сайяф" кўпуровчиларининг қўли борлиги тахмин қилинмоқда.

● Бразилиянинг Минас-Жерайс штатида яна бир дамбанинг бузилиб кетиши хавфи туғилганлиги боис ушбу ҳудуддан минглаб одамлар эвакуация қилинди. Бироқ хавфнинг ўтиб кетганлиги айтилаётган бўлса-да, аҳоли ўз уй-жойларига қайтишга шошилмаяпти. Гап шундаки, ушбу ҳудудда бундан икки кун олдин оқава сувлар йиғиладиган бошқа дамбанинг бузилиши натижасида 34 киши ҳалок бўлган, 300 дан ортиқ одам бедарак йўқолган эди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Халқаро Маданият қарвонсаройида "Жоним сенга фидо, Ўзбекистон" деб номланган фотокўрғазма очилди.
- Ўзбекистон давлат консерваториясида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюмсида хунармандчиликни янада ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва ёш хунармандларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги савй-

ҳаракатларга бағишланган йиллиги ўтказилди.

- Мировод тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган тадбир "Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш" мавзусига бағишланди.
- Олмасор туманидаги 20-оилавий поликлиникада "Инсон саломатлиги муҳофазасида" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда фертил ёшдаги аёллар иштирок этиб уларга тиббий маслаҳатлар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

- "Ёшлар пресс-клуби"да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюмиси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

- Пойтахтимизда "Соғлиқни сақлаш соҳасида хуеусий секторни ривожлантириш масалалари: амалиёт, муаммо ва истиқболдаги режалар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

- Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига кўра, "Asti animation studio" студияси томонидан суратга олинган 3D форматдаги "Анто саргузаштлар" анимацион фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

2022 ЙИЛГА ҚАДАР ҲАР БИР ШАҲАРНИНГ УЧТА ВА УНДАН ЗИЁД МАҲАЛЛАЛАРИ ҚИЁФАСИ ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– “Обод кишлоқ” дастурининг амалга оширилиши учун зарур маблағларнинг 80 фоизини Давлат бюджети, давлат корхоналари маблағлари, шунингдек, жалб қилинган сармоялар ташкил қилган бўлса, қолган 20 фоизи тадбиркорлар маблағлари ва банк кредитларига тўри келди, – дейди ЎЗА муҳбирига иқтисодиёт ва саноат вазирининг биринчи ўринбосари Равшан Ғуломов. – Дастурлар ижроси учун салкам 3,3 триллион сўм сарфланди. Ободонлаштириш ишлари жорий йилда ҳам давом этади. Хусусан, бу йил 470 дан ортиқ кишлоқда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, 1,6 миллион нафар аҳолининг яшаш шароити янада яхшиланади. 1,5 мингта ижтимоий объект, 5 минг километр автомобиль йўллари қурилиши кутилмоқда.

Анжуман “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини комплекс амалга ошириш юзасидан хорижий тажрибани кенг қўллаш, халқаро ташкилот вакиллари билан қўшма лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиш, шунингдек, ҳукумат идоралари, бизнес доира вакиллари ва аҳоли ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан тақдирларни ўрганишга хизмат қилди.

– Кўпчилик мамлакатларда ободонлаштириш ишлари шаҳардан бошланиб, кишлоқда якунланади, – дейди Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг

Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Али Ихсан Чағлар. – Сизларда эса кишлоқдан шаҳарга юриш қилинаётгани, туб ўзгаришлар, янгиланишлар кишлоқдан бошланаётгани яхши. 140 дан ортиқ мамлакатда филиалларимиз бор, лекин бундай лойиҳаларни учратганим йўқ.

Ўзбекистон бизнинг қардошимиз. Жойларни ободонлаштириш яхши иш, лекин уни давом эттириш ҳам жуда муҳим. Бу борада бизнинг тақдирларимиз бор. “Обод кишлоқ” дастуридаги туман марказларни танлаб оламиз. Ҳозирда Мирзачўл туманини ўргандик. У ерда кунига 130 тонна сут тайёрланар экан. Унинг 30 тоннаси мактаб ва боғчаларга етказиб берилади. Қолгани қолиб кетар экан. Биз ана шу сутни сарийғ ва пишлоққа айлантирмоқчимиз. Ерөнғок пас-таси ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаб турибмиз. Бу жуда сервитамин ва фойдали бўлиб, уни мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, ҳарбий қисмларга топшириш мумкин. Анор ва унинг шарбати дунёда харидоргир. Бундан ҳам фойдаланиш йўллари излаялмиз.

Тадбир якунида “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини келгусида амалга ошириш бўйича халқаро ташкилот ва экспортларнинг тақдирлари, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича билдирилган фикрлари умумлаштирилди.

Сайёра ШОЕВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Парламент қўйи палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳамда фракция олдида турган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастурининг лойиҳаси дастлаб жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, унга 4 минг 100 дан зиёд тақлиф ва изохлар билдирилди. Дастлабки лойиҳа 253 та бандни ўз ичига олган бўлса, Давлат дастури қабул қилингандан сўнг унинг бандлари 274 тага етди.

Фракция аъзолари томонидан ҳам Давлат дастури

лоийҳасига юзга яқин тақлиф ва изохлар билдирилган ва улар ОАВ орқали кенг эълон қилиб борилди.

Йиғилишда Давлат дастури ижросини таъминлашда партия фракцияси олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Коммунал хизмат

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Бироқ, бу борада кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳалари фаолиятини бугунги кун талаби даражасида йўлга қўйишда ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд.

Хусусан, пойтахт аҳолиси ва корхона-муассасалари шаҳар тоза ичимлик суви тизимларига улашиш учун илгари “Сувсоз” тасарруфидagi бир неча қўйи ташкилотларга қатнаб, таътибли хужжат расмийлаштириш жараёнидан ўттиши лозим эди.

Таъкидлаш жоизки, “Сувсоз” давлат унитар корхонаси ушбу ноқулайликларга барҳам бериш мақсадида 2019 йилдан ўз ташкилий тузилмасига янги ўзгаришлар киритди. Шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида “Марказ” деб аталувчи ишчи гуруҳ – “Сувсоз” – истеъмолчи учун ишлайди” шиори остида фаолиятини бошлади.

“Жисмоний ва юридик шахс мурожаатларини қабул қилиш, муаммоларини ўрганиш ва кўмаклашиш маркази” деб аталувчи бу хизматга ичимлик ва оқова сув масалаларига оид тақлифлар, муаммолар, шикоят, ариза ёки фикр-мулоҳазаларни, туну кун, истеъмолчи сифатида истаган вақтда “Марказ” виртуал қабулхонаси электрон почтаси ва “Ишонч телефони”га мурожаат қилиб, билдиришингиз мумкин.

Яъни, 2019 йилдан истеъмолчи сув тизимига улашиш учун “техник шарт” олган вақтдан бошлаб, кўмаклашиш “Марказ”ига мурожаат қилади. “Марказ” орқали қўйидаги ишлар бир жойдан туриб бажарилади, жумладан: лойиҳа чиздириш, “Сувабонентхизмати” шўъба корхонаси орқали сувга улашиш, “Сувўлчачи” корхонаси орқали сувўлчачи ускунаси ўрнатиш, ускуна ўрнатилиши давридаги сув босимини камайтириш ёки зарурат туфайли ўчириб туришгача бўлган ҳаракатлар, истеъмолчи шахсий ҳисоб варақаси очиш ва шартнома тузишгача бўлган жараёни қамраб олади.

Истеъмолчи “Марказ”га мурожаат қилдимиз, демек бу мурожаат бажарилиши ва ечимини топиши масаласини “Марказ” ўз зиммасига олади. Сизнинг мурожаатингизнинг белгиланган муддатда, сифатли бажарилиши таъминланади.

Бунинг учун сиз қўйидаги “Ишонч телефони” рақамлари: 71-252-19-35; 71-252-19-37га мурожаат қилишингиз мумкин.

(ЎЗ муҳбиримиз)

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йилги фаолияти натижалари, жорий йилги режалари юзасидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2018 йили 25 та меърий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, юртимизнинг туристик имижини кенг тарғиб қилишга қаратилган 150 га яқин чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Франция, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Исроил, Тожикистон каби давлатлар фуқаролари учун визасиз тартиб жорий қилинди. Чет элликларни рўйхатга олишнинг тўлиқ электрон тизимига ўтилди.

Шунингдек, туризм индустриясини жадал тараққий эттириш мақсадида 142 меҳмонхона, 192 “Wi-Fi” ҳудуди, 29 сайёҳлик ахборот маркази, 462 санитар-гигиена шохбачаси ташкил этилди. Туризм синфидаги автотранспортлар сони 133 тага етказилди.

2018 йилнинг 19-21 ноябрь кунлари ўтказилган Туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестиция форуми доирасида 400 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар тақдим этилиб, сармоядорлар билан истиқболли саналган 37 шартнома ва меморандум, 86 инвестициявий келишув имзоланди. Туризм соҳасини замонавий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил этилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти ўртасида ушбу олий таълим муассасасини халқаро университет сифатида тан олиш ҳамда БМТнинг логотипидан фойдаланиш бўйича келишувга эришилди.

Матбуот анжуманида “Ипак йўли” туризм халқаро университети, проректори, иқтисод фандари доктори, профессор Баҳодир Тўраев олий таълим муассасасининг жорий йилги фаолияти ва режалари ҳақида маълумот берди. Ҳозирги кунда университетда 137 талаба туризм бошқаруви, туризм хизматлари ва хизматни ташкил этиш йўналишларида таълим олмоқда.

рида тахсил олмоқда. Талаб ва тақлиф асосида университетда қабул квотасини ошириш режалаштирилган. Унга кўра, 2019-2020 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи таълим йўналишлари бўйича қўшимча ўринлар ажратилади. Бакалавр ва магистратура таълим босқичлари бўйича янги йўналишлар очилади.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда 2018 йилда 5 миллиондан ортиқ сайёҳ келган. Бу 2017 йилга нисбатан икки баравардан ҳам кўпроқдир.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Улугбек Қосимхўжаевнинг тадбир иштирокчиларига маълум қилишча, мамлакатимизда бошқариладиган сайёҳлар оқимини ташкил этиш мақсадида нафақат қўшни мамлакатлар, балки Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Франция, Исроил, Грузия каби давлатларнинг туризм соҳасидаги компания ва уюшмалари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– 2019 йилда 30 дан зиёд халқаро туризм кўргазмаларида иштирок этиш режалаштирилган, – деди ЎЗА муҳбирига У.Қосимхўжаев. – Ушбу кўргазмаларда юртимиз сайёҳлик салоҳияти ва брендини кенг тарғиб қилиш, халқаро туристик компаниялар ва бошқа тегишли ташкилотлар билан Ўзбекистонда бошқариладиган сайёҳлик оқимини ташкил этиш бўйича музокаралар ўтказилади.

Анжуман доирасида журналистлар қўмитанинг 2019 йил учун белгиланган режалари билан таништирилди. Унда 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси асосида мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг хавфсиз сайёҳлик имижини мустаҳкамлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган.

Малоҳат ХУСАНОВА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Тошкент халқаро арбитраж маркази давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бу Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТПАС) ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилди.

Марказнинг асосий мақсади низоларни арбитраж орқали ҳал этиш-

нинг замонавий ва халқаро стандартларга асосланган механизмларини шакллантириш ҳисобланади. Шу билан бир қаторда Тошкент халқаро арбитраж маркази етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашади. Фаолияти давомида мавжуд низоларни ҳал этиш учун хорижий арбитраж жалб қилиниб, халқаро арбитраж, жумладан,

инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлайди.

Халқаро арбитраж маркази маҳаллий ва хорижий ҳўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, хорижий инвесторларга инвестиция билан боғлиқ, шу жумладан, томонлардан бири давлат бўлган низоларнинг вужудга келишининг олдини олиш соҳасида консултация хизматларини кўрсатади.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган қатор учрашувларда турли давлатлар делегациялари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов мамлакатимизда таълимнинг барча босқичида кечаётган ислохотларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодий-ижтимоий жаҳдалари учун юксак профессионал маҳоратга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш эканини таъкидлади.

Acumen Education (Буюк Британия) компанияси ижрочи директори Марк Лаболич раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувларда Британия билан олий таълим соҳасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, етакчилик қобилиятларига эга бўлган, замонавий билимлар билан қуролланган етук мутахассисларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Лаъл Баҳодир Шахри номидаги Ҳиндистон маданият маркази директори, профессор Чандер Шехар билан бўлиб ўтган учрашувда давлатлар ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича музокаралар олиб борилди. Учрашув давомида профессор Чандер Шехар Ҳиндистон олий таълим муассасаларига Ўзбекистонлик ёшларни қабул қилиш жараёни бошланганини маълум қилди.

Корея Республикасининг Шинхан университети ҳамширалар коллежи декани Янг Синги, биоэкологик саломатлик коллежи декани Ким Янгсунг билан бўлган учрашувда тиббий таълим, яъни ҳамширалар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш борасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари ҳақида батафсил сўз борди.

Мулоқотлар натижасида соҳада халқаро ҳамкорликни тобора кенгайтиришнинг истиқболлари белгиланди.

ЎЗА

Тадбирлар

ЯҚДИЛЛИК ВА ХАЛҚЧИЛЛИК ШИОРИ ОСТИДА

Яккасарой туман ҳокимлигида ўтказилган ижтимоий-сиёсий тадбир туман “Нуроний” жамғармаси томонидан уюштирилди.

Тадбирда “Нуроний” жамғармаси Яккасарой туман бўлими раиси Т.Сайфуллаев, юридик фанлари номзоди Ш.Умарова, Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчилари ва туман фахрийлари Яккасарой туманида олиб борилаётган самарали ишлар, мақсадли режалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари борасида ўзларининг фикр, мулоҳазаларини билдирдилар.

– Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси юртимизни янада юксалтириш ва тараққиётимизни таъминлашга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши эса, ҳар биримизнинг олдимизга ўз соҳамизга, чўқур билим ва касбий маҳоратимизга яқдиллик билан қарашни, янгича ёндашувни талаб этади, – дейди “Оила” илмий-амалий маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Нилуфар Қодирова.

Дарҳақиқат, Президент Мурожаатномаси келгусида амалга ошириладиган барча ишларимизда муҳим асос ва дастурий режа бўлиб хизмат қилади.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ОЛАМ НУРАФШОН

Олмазор туманидаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионатида “Ҳамма меҳр ва эътиборда” шиори остида ўтказилган хайрия тадбири Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Тошкент шаҳар филиали томонидан уюштирилди.

– Бу ёруғ оламда инсонларни хурсанд қилиш, уларга қувонч бахш этишдан кўра савобли ишининг ўзи йўқ, айниқса меҳр-мурувватга, ширин сўзга, бир оғиз тасаллига зор бўлган кексаларимиз кўнгилларини кўтариш, уларнинг дардига малҳам бўлишни ўзи бир қувонч. Бу ердаги отахон ва онахонларга оз бўлсада кўмагимиз текканидан мамнунмиз. Зеро, бу оламда меҳр ва саховат бор экан, қарияларимизнинг кўнгли янада нурафшон ва шодликларга тўлиб бораверади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш палатаси Тошкент шаҳар филиали директори Элвира Маракева.

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар уларни кўнглини чоғ этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш палатаси Тошкент шаҳар филиали томонидан тарқатилган совғалар қарияларимизга чексиз қувонч бағишлади.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейида ўтказилган тадбир эрта никоҳнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига бағишланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажақ” шиори остида уюштирилди.

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар прокуратураси, ички ишлар бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва турли оқимларга кириб кетиш ҳолларининг олдини олиш борасида сўз борди.

Тадбир доирасида партия сиёсий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўқитувчиларни ва ўқувчи-ёшларни қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб берди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мамлакатимиз яқин истиқболдаги марраларда жаҳон миқёсида етакчи давлатлар қаторига киришдек юксак мақсадни кўзлаб, олға интилмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида юртимизда турли соҳаларда кенг қамровли ислохотлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Давлат ва жамият бошқаруви соҳаси, миллий қонунчилик тизими ҳамда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий йўналишларни ривожлантириш борасида залворли қадамлар қўйилди, десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тараққиёт дастури: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида режалаштирилган ислохотларни ҳаётта татбиқ этишда Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш ҳамда ҳар бир фуқаро билан мулоқот ўрнатишдек, мураккаб ва самарали механизмни жорий қилиш масаласига алоҳида урғу берилди. Натижада, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари очилди. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Худудлардаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш ҳамда халқ билан юзма-юз бўлиб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш каби масалалар ўртага ташланди.

Албатта, давлат бошқаруви соҳасидаги бундай ёндошув мамлакатимизда чуқур ўйланган, узоқни кўзловчи, умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсат олиб борилаётганидан дарак беради. Ушбу фикримизни бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган жараёнлар юзасидан жаҳон ҳамжамиятида билдирилаётган муносабатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хабарингиз бор, 2018 йил декабрь ойида “Халқ сўзи” газетасида геосиёсат, тарих ва география соҳаси бўйича танқидли испан эксперти Фернандо Мануэль Морагон Месегернинг “Diario arbat” (Испания) нашрида чоп этилган “Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг “тинч инқилоби” номли мақоласи эълон қилинди. Шунингдек, “Financial Times”нинг жорий йил 15 январдаги сонида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган “Uzbekistan turns to nuclear energy to power economy” номли мақола чоп этилди. Биргина ушбу мақолаларда билдирилган фикрлар Ўзбекистон фуқаролари тақдирида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг дунё миқёсида тан олинаётганидан дарак бермоқда. Дарахқикат, жамият ҳаётида рўй бераётган турли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий жараёнларнинг самарадорлиги бевосита халқ билан давлат ўртасида ўрнатилган мулоқотга нечоғлиқ боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси сифатида янги бир амалиёт жорий этилишини таъкидлаб ўтди. Унга қўра, “Кириб келаётган” йилнинг бош ҳужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича Бош вазир ва ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб боради. Бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши лозим.

Шу тарика фуқаролар Мурожаатномада белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ҳукумат қандай иш олиб бораётганидан хабардор бўлади. Яъни,

ҳукумат фаолиятига халқнинг ўзи баҳо беради”.

Шу ўринда, халқ билан мулоқот жараёнида миллий журналистикада зиммасидаги масъулият тобора ошииб бораётганини эътироф этиш жоиз. Айни шу нуқтаи назардан ҳам бугунги шиддат билан ўзгараётган, янги-янги ғоялар сари илдам қадам ташлаётган тезкор замонамизда оммавий ахборот воситалари, умуман ахборот соҳаси ва ундан фойдаланиш технологияларини тадқиқ этиш, олинган натижалар асосида тақлиф ва хулосалар бериш масаласи ўзининг долзарблигини йўқотганича йўқ. Сабаби, жамиятда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиб беришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, уларни жамиятнинг ҳақиқий кўзгусига айлантириш масаласи давлатимизда олиб борилаётган сиё-

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

сатнинг диққат марказида турибди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жамоатчилик назорати ҳамда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш бўйича тегишли вазифалар белгиланган бўлибди. Ушбу ҳужжатдан келиб чиқиб, 2018 йил февраль ойида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритиш юзасидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан журналистлар ва соҳа мутахассисларига йўллаган табриги ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида демократик ислохотларни амалга оширишда журналистларнинг машаққатли хизмати бекиёс эканига тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш масаласи тамоман ўз ечимини топаганилигига урғу бериб, бу борада амалга ошириш зарур бўлган жиҳатларни санаб берди.

Ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари давлат ва халқ ўртасидаги ўзига хос кўприк ҳисобланади. Сабаби тезкор, тўғри, холис ахборотни ўз истеъмолчисига етказиб бериш оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларининг ушбу хусусияти мамлакатнинг сиёсий қиёфасини ҳамда халқнинг сиёсий маданиятини кўрсатиб беради. Шунингдек, матбуотда давлат ва жамият бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фуқароларнинг фаол иштироки оммавий ахборот воситаларининг қиёфасини белгилаши шубҳасиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони салмоқли рақамларни ташкил этсада, улкан ислохотлар даврида давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотда миллий журналистиканинг ўрни қандай бўляпти? Шунингдек, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни ёритишда халқ билан мулоқот қай йўсинда бормоқда? Халқ билан мулоқот жараёнида қандай ютуқ ва муаммоларга дуч келинмоқда каби саволлар туғилиши табиий.

Албатта, сўнгги йилларда миллий оммавий ахборот воситаларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Унда жамиятимиздаги муаммоларни кўрсатиш, уларнинг ечимини топиш борасида олиб борилаётган сиёсатни халққа етказиш, халқ дарди, хоҳиш-иродасини ифода этиш борасида журналистларимиз ҳамда соҳа мутахассислари тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Бироқ ҳар бир соҳада мукамалликка эришиш мураккаб бўлгани каби миллий матбуотимиз фаолиятини янада ривожлантириш зарурати мавжудлигига қолмоқда. Айниқса, халқ билан мулоқотни жадаллаштириш борасида қилиниши лозим вазифалар талайгина. Хусусан, қуйидаги ҳолат ҳам юқоридаги фикрларимизнинг нечоғлиқ аҳамиятга молик эканлигидан дарак бермоқда.

Маълумки, аҳолининг сиёсий маданияти унинг давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган жараёнлардан хабардорлиги баробарида ўзининг ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишини билиши билан ҳам баҳоланади. Зеро,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган меъёрлар белгиланган бўлибди. Бундай умуминсоний қоидалар миллий Қомусимизнинг “Фуқаролик”, “Сиёсий ҳуқуқлар”, “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар”, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қаролатлари”, “Фуқароларнинг бурчлари” каби бобларда кенг ва чуқур маънода ўз ифодасини топган. Албатта, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий, сиёсий маданияти буткул салбий қиёфада эмас. Буни биргина мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки турли соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар, ёкин юртимизда яратилаётган шaroитлардан тўғри фойдалана олаётган фуқароларимиз тимсолида кўришимиз мумкин. Бироқ мамлакатимиз собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган турли шаклдаги муаммолар исканжасидан чиқиб олишдек мураккаб йўлни босиб ўтаётганлигини ҳисобга олсак, аҳолининг сиёсий маданияти бора-

сида ечимни топилиши зарур бўлган ҳолатлар йўқ эмас. Хусусан, қонуний ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланиш учун Президентга ёки тегишли инстанцияларга мурожаат қилишни қай тартибда амалга ошириш зарур эканидан бехабар фуқаролар, афсуски, хали ҳам орамизда бор. Буни биргина интернет глобал тармоғидаги айрим сайтларда учрайдиган ҳолатлар тимсолида кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки муаммолар унда акс этаётган, одамларнинг дарду ташвиши халқ билан мулоқот – ҳаётий эҳтиёж эканлигини яна бир бор исботламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллиати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi – бизнинг бош мақсадимиздир”.

Нодирабегим КУРБАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси таянч докторанти

“101” ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Ённингга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш фақатгина ённинг хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанинг инсонийлик бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Бунинг учун энг аввало, фарзандларимизни ённинг келиб чиқиш сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Ённинг хавфсизлигининг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, суҳбат ва учрашувларни барча жойларда амалга ошириш фойдадан холи бўлмайди. Кундалик ҳаётимизда олов ҳамиша ҳамроҳ экан, унга асло бефарқ бўлмасдан, доимо эҳтиёткорлик билан фойдаланайлик.

Саидкамал САЙДАКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
биносини ённингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик
инспектори, сафдор

Ённинглар қўпична эҳтиётсизлик сабабли юз беради. “Тилсиз ёв” оқибатида нафақат моддий зарар кўрилади. Баъзан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ённингдан бартараф қилгандан кўра, унинг олдини олган афзалдир.

Энг ачинарлиси, ённинг келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ённинг хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Уйда ёв болаларни қаровсиз қолдириш, шунингдек, уларнинг бўйи етадиган жойларга гўгурт ва шунга ўхшаш тез аланга олувчи нарсаларни қўйиб кетиш ачинарли ҳолатларга олиб келмоқда. Бундан ташқари қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланиш, газ плиталарига резина шлангларни улаш, электр тармоқларидаги қисқа туташувлар кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Ённинг қачон, қаерда, нима сабабдан юз беришидан қатъий назар одамларга ташвиш келтиради. Шундай экан, доимо огоҳ бўлайлик!

Ўткиржон САБИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ КБ инспектори,
катта сержант

Ённинг хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизни табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёт хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда уларнинг хизматлари бекиёс.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ённинг хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. “Тилсиз ёв” қўтилиганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида рўй беради. Ённинг хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ённингдан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Даврон РОҲАТАЛИЕВ,
ЁХБ инспектори, капитан

Ённинг хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ённинг хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ённингга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир.

Қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, қолаверса ўзи ва яқинларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шундай экан, ённинг хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

Абдунаби ТҲҲИЕВ,
ЁХБ инспектори, сержант

Бугунги кунда ённингга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ённинг хавфи ҳақида зудлик билан хабар беришчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимизда ҳам ённинг хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз қорхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ённинг туфайли келадиган моддий, одамларнинг ҳаёти, соғлимига етказиладиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаёти ва кўнлик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

Файзулла НОРТАДЖИЕВ,
Ўчтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант

Ённинг тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий ҳолат эмас, балки у кимнингдир айби билан юзага келувчи бахтсиз ҳодиса.

Ана шу бахтсизликнинг олдини олиш эса ҳар бир кишининг ўз қўлида эканлигини фуқароларимиз унутмаслиги, яшаш ва иш жойларида ённинг хавфсизлиги қоида-талабларини сўзсиз бажаришлари зарур. Ана шунда ённинг ҳодисаси келиб чиқмайди ва уларнинг олди олинган, фуқароларнинг осойишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

Рустам МАҲКАМОВ,
ЁХБ инспектори, сержант

Қиш мавсумида аҳоли турар жойларида иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайишини инобатга олиб, соҳа ходимлари мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Учрашувларда газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойга қўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатлар қандай бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳақида маълумотлар берилмоқда. Лекин шунга қарамай аҳоли турар жойларида оддий ённинг хавфсизлиги қоидаларига қўпична риоя қилинмаслиги оқибатида қўлпаб кўнгилсизликлар содир бўлмоқда.

Ённинг хавфсизлиги қоидаларига доимо амал қилсак, давлат ҳамда ўз мулкимизни асраган бўламыз.

Алибек МИРЗАХМЕДОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори, сафдор

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги томонидан нодавлат
таълим муассасалари вакиллари
билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳа мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вакиллари, Ўзбекистон нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси аъзолари иштирок этишди.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов мамлакатимизда давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хусусий мактаблар ўз-ўзидан ривожланмайдилар. Шу боис, мазкур ўқув муассасаларида таълим сифатини яхшилаш долзарб вазифадир. Учрашувда нодавлат таълим муассасаларининг ривожланишига тўқсинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш зарурлиги тилга олинди.

2016 йилда Ўзбекистонда 24 нодавлат таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 84 тадан ошди. Шунга қарамай, мазкур соҳада нодавлат таълим муассасаларининг ривожланишига тўқсинлик қилаётган давлат-дарсликлар ва лицензиялар олишда ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун таълимни ташкил этишда солиққа тортиш масалалари бўйича қийинчиликка дуч келмоқда.

Учрашувда таълим жараёнига замонавий усуллари жорий этиш ҳамда ўқув дастурларини ташкиллаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Шу билан бирга нодавлат таълим муассасалари Республика таълим маркази билан биргаликда хориж давлатларининг замонавий усуллари ҳамда тажрибаси асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши мумкинлиги таъкидланди.

Учрашув сўнида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари томонидан нодавлат таълим муассасалари вакилларига мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва ушбу йўналишда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги нодавлат таълим муассасаларини очиш ва уларга ўз лойиҳаларини амалга оширишда қўмак беришчи сармоядорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Н.УСМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2019 йил 25 январдаги 51/01-сонли такрорий бюртномасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автомобилотранспорт воситалари ва техникалар қўйилмоқда:

1) “ПА3 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 228 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 636 667 сўм; 2) “ПА3 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 208 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 770 000 сўм; 3) “ПА3 672” русумли 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 215 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 570 000 сўм; 4) “ПА3 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 210 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 770 000 сўм; 5) “ПА3 672” русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами

01 236 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 903 333 сўм; 6) “ИЖ 2715” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 231 DCA бўлган техник соз авто-транспорт. Бошланғич баҳоси – 2 123 132 сўм; 7) “М 412ИЭ” русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 197 DCA бўлган техник соз авто-транспорт. Бошланғич баҳоси – 2 620 513 сўм; 8) “Погрузчик Львовский вилочный 5 тонн” русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз юк ортувчи. Бошланғич баҳоси – 10 570 689 сўм; 9) “Вилочный погрузчик электрический г/л 1,5 тонн” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз юк ортувчи. Бошланғич баҳоси – 6 021 097 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 5 февраль кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишининг охириги муддатлари: 2019 йил 1 февраль кунини соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Юқоридаги автомобилотранспорт воситалари 2019 йил 5 февраль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 19 февраль ва 5, 19 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишининг охириги муддатлари: 19 февралдаги савдо учун 15 февраль, 5 мартдаги савдо учун 1 март ва 19 мартдаги савдо учун 15 март кунини соат 18:00.

Савдо голибига 15 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ХАТБ “Давр Банк” Яқкасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002. МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1А-уй. Телефон: (0-371) 227-91-82. www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001805

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Очик аукцион савдоларига АТ “Халқ Банки” Учтепа филиалининг 24.01.2019 йилдаги №15-сонли бюртномасига асосан банк тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Учтепа туманининг: 1. 15-мавзе, 28а-уйда жойлашган, бошланғич нархи – 150 000 000 сўм бўлган №215-сонли касса биноси. 2. Тақачи кўчаси, 119-уйда жойлашган бошланғич нархи – 214 000 000 сўм бўлган №366-сонли касса биноси. 3. 23-мавзе, 15-уйда жойлашган бошланғич нархи – 120 000 000 сўм бўлган №322-сонли касса биноси. 4. Ша-роф кўчаси, 8-уйда жойлашган бошланғич нархи – 40 000 000 сўм бўлган №352-сонли касса биноси ҳамда АТ “Халқ Банки” Чирчик шаҳар филиалининг 24.01.2019 йилдаги №16-09/01-сонли бюртномасига асосан банк тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Чирчик шаҳрининг: 1. 3-кичик туман, 29-уй манзилида жойлашган умумий майдони 98,04 кв.м., бошланғич нархи – 69 807 000 сўм бўлган 024-сонли шохобча биноси. 2. 8-кичик туман, 27-уй, 1-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 67,11 кв.м., бошланғич нархи – 59 764 0000 сўм бўлган 03-сонли шохобча биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 28 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 28 февраль кунини

сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 201



Футбол янгилклари

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Айни кунларда амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Локомотив" жамоаси БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулоти йиғинида иштирок этмоқда.

Темирийўлчилар йиғин доирасида Даниянинг 10 карра чемпиони "Брондбю" клубига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушибди. Шиддатли, кескин курашлар остида кечган баҳс даниялик чарм тўп усталарининг 5:1 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади.

"ПАХТАКОР" ТАРКИБИ КУЧАЙМОҚДА

"Пахтакор" жорий йилги мавсумни эртароқ бошлайди.

Чунки пахтакорчилар ОЧЛ саралаш турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Шу боис ҳам, "Пахтакор" клуби ОЧЛ саралаш бахсларида қатнашадиган футболчиларни расмий рўйхатдан ўтказиш жараёнини бошлади. Маълум бўлишича, ўтган мавсум "Бунёдкор" таркибига ўйнаган футболчилар — Акрам Комилов ва Садор Собирхўжаев ҳамда "Навбахор" ярим ҳимоячиси Азиз Турғунбоев энди "Пахтакор" шарафини ҳимоя қилишади.

Акбар Йўлдошев

БАХТ НАШИДАСИН ТУЙИБ...

Ҳаётда бошдан нималар кечмайди, дейсиз. Кўрган-кечирганларинг ақлингни ҳам қайраши табиий.

Халқ донолиги эса, ақлингга ақл қўшиб, фикрларни янгилаб боради. Айниқса, ташвишларинг ортиб, тананга дард ёпишиб, умрининг сарҳисоб даври бошланганида ўзингга ўзинг: "Мендан нима қоляпти?", деб савол беришингга тўғри келади.

Қолдирадиган нарсаларинг кўп бўлса дуруст, акси бўлиши ҳам мумкин-ку ахир! Ўзбекистондаги ҳавола этилган юқоридаги сатрлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Собир Мирвалиевнинг дил дафтарига муҳрланган битиклардан олинган.

Эл назарига тушиб, шогирдлар ишончини қозониш замирида фақатгина тинимсиз меҳнат, машаққат, азоб-қубат, заҳмат ва вақти келганда ўздан кечиш, сон-саноксиз бедор тунлар ётади. Собир Мирвалиев бундан тўқсон йил илгари Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1956 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кечки филология факультетини тугатган. 1974 йилдан Тошкент давлат маданият институтининг кафедра мудири вазифасида ишлаб келган. Собир Мирвалиев кенг китобхонлар оммасига ўзининг "Ҳаёт ва кураш поэзияси" (1962), "Қалблардан қалбларга" (1966), "Ўзбек романи" (1969), "70-йиллар ўзбек насри" (1972), "Тарихийлик ва замонавийлик" (1976), "Наср, давр ва қаҳрамон" тўплами (1983), "Роман ва замон" (1984), "Абдулла Қодирий" (2000), "Ўзбек адабиёти" (2004, 2007, 2016 5 маротаба нашр этилган) асарлари орқали жуда яхши таниш. "Ўзбек адабиёти" китобининг сўнгги нашридан 267 та нафақат, таниқли ижодкорлар, балки ижод майдонига эндигина кириб келиб, қалам тебратишини бошлаган умидли ижодкорлар ҳам ўрин олган.

Улмас Умарбеков ижодида бағишланган "Талантнинг қўш қаноти" монографияларини яратган. "Шахидлар хотираси" мақоласи, машҳур Мухиддин табиб ҳақидаги "Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз" эссеи (3 маротаба нашр этилган), "Экологияда маданият ва маънавият муаммолари" китоби ҳамда қатагон мавзусидаги чиқишлари ва ташвиқотлари учун Халқаро Петербург академиясининг ҳақиқий аъзоси — академик этиб сайланган. Ўтказган олим ўз фаолияти давомида 21 нафар фан доктори ва 33 нафар фан номзодларига раҳбарлик қилган бўлиб, малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун фан арбоби даражасига эришган, бугунги кунда шогирдлари устозлари изидан бориб, Республиканинг барча ҳудудларида фа-

олият олиб бормоқдалар.

Замон билан ҳамнафас, юрт, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган замондошимиз халқимизнинг энг улуг, энг сара фарзандларидан қатагон йиллари қурбонига айланган Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонларнинг қабрларини топишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. "Қатагонлар қурбонлари хотираси" музейини очилиши ташаббускори ва ташкилотчиларидан бирига айланди.

Ўртбошимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан руҳланган етук олим "Ўзбек адаблари" ҳамда "Абдулла Қодирий кашфиёти асарларини чоп этиб, китобсевар халқимиз эътиборига ҳавола этди. Янги чоп этилган асарда буюк адибнинг таваллуди, аждод-авлодлари шажараси ҳақида сўз юритиш билан бирга унинг истеъдодли романнавис, моҳир шоир ва драматург, кучли ҳажвчи ва таржимон сифатидаги маҳоратидан келиб чиқиб, миллий маданиятимиз фидойисини сифатида 20-аср миллий маънавий-маърифий ривожига ўчмас из қолдирган нарогон юлдуз дея эътироф этилади. Абдулла Қодирий томонидан ёзилган "Обид кетмон", "Меҳробдан чаён", "Ўткан кунлар" романларининг деярли ҳар бири ўзбек хонадонига кириб боргани ва яна бу асарларнинг такрор-такрор мутлоаси ана шу буюклидан ва халқнинг ўз адибига бўлган эъзоз-эҳтиромидан дарак беради.

Кексаликни умрининг олтин кузига менгайдилар. Бу фаслни ёлғизлик ёки етуклик фаслига айлантириш ҳар кимнинг ўз қўлида. Ҳаёт деб аталмиш улуг неъматни қадрлаб, ҳалоллик, оддийлик ва эзгуликни ўзининг ҳаёти мазмунига айлантирган олимимиз бир умр ёш авлодга сабоқ бериб келган Мовжудхон аядак оқила аёллари, 4 фарзанд, 16 невара, 12 эваранинг ардоғи, маҳалладошларининг эъзоз-эҳтиромидан, кексалик гаштини суриб, бахт нашидасини туйиб, қариндош-уруғлар ўртасида бағри бутунлиқда умргузаронлик қилмоқдалар. Собир Мирвалиев ижодий, илмий ишлар билан бир қаторда ўзлари ашаётган Ўзбекистон туманининг сўлим гўшаларидан бири бўлган "Оқтепа" маҳалласида маҳалла фуқароларининг энг яқин маслаҳатчилари ҳамда ҳудуддаги 274-ўмумтаълим мактаби ўқувчиларининг энг яқин устозлари. Ўзининг табарруқ ёшларини нишонлаган устозга узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилаймиз.

Гулчеҳра КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 35-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бектемир минн банки биносини капитал таъмирлаш ишлари бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйдаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уй. Тел: (371) 212-37-98.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли мавзеси, Марказ-1 да жойлашган 30-уй, 1-2 хонадон учун "RENT SERVICE GROUP" ХК (СТИР: 303480841) номига 11.03.2016 йилда берилган реестр рақами 9-89/2016 бўлган 10:09:01:02:01:02:35 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Учтепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Учтепа тумани, 10-тор Шароф кўчаси, 17-уй учун Джурраева Саври, Джурраев Мурат Сабирович, Джурраев Маҳамат Сабирович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"FOREVER TAXI" МЧЖга тегишли бўлган куйдаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Лицензия варақаси
АТ № 0110204
АТ № 2276503
АТ № 2267419

Машина модели
COBALT
NEXIA
MATIZ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан "ACTUS PRAVO" Адвокатлик ҳайъати адвокати Хамидов Ахмадали Аскаралевичига 23.07.2010 йилда берилган ТН № 001275 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сирдарё шаҳри, Сирдарё тумани ТСРҲИ томонидан 02.06.2016 йилда № 224 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "INOYATOV ODILBEK LIDER" МЧЖ (СТИР 303999186) таъсисчиларининг 28.01.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Сирдарё шаҳри, Сирдарё тумани, Ўзбекистон кўчаси, 36-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99899 832 00 09.

Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши аъзолари таниқли шоира

Эътибор Охунованинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти жамоаси таниқли шоира

Эътибор Охунованинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти жамоаси таниқли шоира

Эътибор Охунованинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Юнусобод 11-мавзеси, 40-уй, 47-хонадон учун Абдурахмонова Дифуза Ҳусниддиновна номига берилган кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Каримов Азамат Науфалевич номига берилган К №3519807 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"IKAT PROGRESS" МЧЖ (СТИР 303400164) Устав капиталли 106 600 000 сўмдан 105 000 000 сўмга камайтирилаётганини маълум қилади. Тел: (97) 432-68-66.

Биласизми?

ЎСИМЛИК ЁГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўсимлик ёғи қора нуқталардан халос бўлиш, қўлларга ёпишган суперелимни ювиш ва оёқ кийимининг яроқлилик муддатини узайтиришда ёрдам беради.

Пахтали дискка бироз ўсимлик ёғи қўйинг ва у билан ёпишқоқ изни артинг. Агар нақлейка кетмаса, унга компресс қилинг. Яъни пахтали дискни қирланган жойга 10-15 дақиқага қўйинг, кейин уни артиб ташланг.

Пахтали дискни илиқ сувда бироз ҳўллаб, унга бир неча томчи ёғ қўйинг ва юзни артинг. Кўзга суртилдиган пардоз воситалари учун ҳам қўл келади: пахтали дискни бироз вақтга қоқоқлар устига қўйиб ва пардоз қолдиқларини аста артиб, ёғни ювиниш воситаси билан ювиб ташланг.

Қайноқ идиш қолдиғини ёғ ва туз ёрдамида кетказиш мумкин. Тузни юмшоқ матога ўранг ва у билан доғни ишқаланг, кейин эса юза бўйлаб ўсимлик ёғи шимдирилган мато билан артинг. Кейин қуруқ матога артиб ташланг.

Мебелга аввалги ялтироқлигини қайтариш учун ёғ ва вино сиркасини бир хил нисбатда аралаштириг. Туксиз матони аралашмада ҳўлланг ва юзани артинг.

Юмшоқ пишлоқни қирғичдан ўтказиш — ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Пишлоқ қирғичга ёпишмаслиги учун қоғоз салфеткани ёғга ботиринг ва фойдаланишдан аввал қир-ғич юзасини артинг.

Бироз ўсимлик ёғини юмшоқ матога томизинг ва юмшоқ теридан ишланган ботинкадаги тирилган жойларни артинг. Ёғ терига сингича, оёқ кийимини ялтирагунга қадар артинг. Бу усул табиий теридан ишланган сумкалар учун ҳам қўл келади.

Чўян идишда юзга келган зангни кетказиш — мураккаб. Яхшиси унинг олдини олган маъқул. Товани ювинг ва яхшилаб қуритинг. Кейин эса унинг юзасига бироз ёғ суртинг. Буни салфетка ёки чўткада бажариш мумкин.

Юзингизни ювинг ва қўлингизга бироз ёғ томизинг. Яхшилаб, бироз эҳтиёткорлик билан қора нуқтали жойларни 5-7 дақиқа давомида уқаланг. Тоза момик сочиқни илиқ сувда намланг, сиқинг ва у билан юзингизни 15 дақиқага ёпинг. Ювиниш воситасини олиб, қўпик ҳосил қилинг, юзининг "муаммолари" жойларини уқалаб, сув билан ювиб ташланг.

Ўсимлик ёғини қоронғу ва салқин жойда сақлаш керак. Газ плитаси ёнида сақлаш — мумкин эмас. Яхшиси, уни музлатгичга қўйган маъқул.

Ювилганидан кейин ҳам ноҳуш ҳид кетмаса, тахтакачни ёғ томизилган салфетка билан артинг. Кейин тахтакачни сувда чайинг. Ҳиддан асар ҳам қолмайди.

Доимий равишда гичирлайдиган эшикка тезкор восита сифатида ёғ асқотади. Уни пипетка ёки шприцга тўлдиринг ва ҳаракатланадиган қисмларга томизинг. Қолганини салфетка билан артинг.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан Бекходжаева Умида Гафуровна номига 2003 йилда берилган Т № 090134 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институти томонидан Амеркулов Абдикодир Омонович номига 1965 йилда берилган Ч № 721658 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ўзи ҳеч нарсани билмаган билганининг ногорасига ўйнайди.

* * *

Аҳмоқ ўзининг ҳақиқатини ҳаммадан устун қўяди.

* * *

Ҳар бир нарсанинг сабабини аввало ўзингдан қидир.

* * *

Кишининг нодонлигини ўзини қанчалик доно ҳисоблашидан ҳам билса бўлади.

* * *

Фаоллик — машҳурлик доясиدير.

* * *

Кўпинча сабабчини унутадилар.

* * *

Дўппингни олиб, чуқур мулоҳаза қилиб кўрсанг, айб тақдирда эмас, ўзингдалиги маълум бўлади.

* * *

Яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этмайди, кўпчилик шунчаки кун кўради.

* * *

Бекорчилик одамни емиради.

* * *

Бехуда иш — ўзингга ташвиш.

* * *

Кўпинча топган сарфлашни билмайди.

* * *

Фаросат кўп нарсани ҳал қилади.

* * *

Ваҳимачининг ҳаловати бўлмайди.

* * *

Тасодифий ўхшашлик қонуният эмас.

* * *

Одамлар фақат оқибатни кўришадди, сабаб билан ишлари йўқ.

* * *

Бировники буюрмас.

* * *

Худбиндан инсоф кутма.

* * *

Бўлмайдиган ишнинг бахридан ўтиш керак.

* * *

Нафси ғолибнинг ўзи мағлуб.

* * *

Ёмонлик кўнгилда қолади.

* * *

Ишончсизлик кўнгилни совутади.

* * *

Нодонда сабр бўлмайди.

* * *

Қандай кўз билан қарашга кўп нарса боглиқ.

* * *

Ҳар ким ўз қадрини билгани яхши, ўшанга кўра иш қилгани яхши.

* * *

Ғолибликка интиланг бир умр мағлублигича қолиб кетмайди.

* * *

Ўзини чеклай олмаган киши кўп нарсдан махрум бўлади.

* * *

Соғлигинг ҳақида соғ эканлигингдан қайғур — кейин кеч бўлади.

* * *



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электроник манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-146

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2916 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 14:50